



“ГУЛИСТОН” АСАРИ НАШРЛАРДАГИ ТАРЖИМА МАТНЛАРИНИНГ КЎЛЁЗМА БИЛАН ТАҚҚОСИ

Ахатов Илхомжон Ниматуллаевич

Алфраганус университети Халқаро

муносабатлар ва тарих кафедраси ўқитувчиси

Огахий ўз даврининг етук кишиларидан бири эди. Билими ва салоҳияти уни Саъдийнинг “Гулистон” асарини таржима қилишга ундади.

“Гулистон”ни таржима қилишга киришганини шоирнинг ўзи шундай шарҳлайди:

«...Шаҳзода Муҳаммад Раҳим тўра... фақирга ҳазрат шайх Саъдийнинг «Гулистон» отлиг китобин турк тили билан таржима қилмоқ хизматин буюрди... Агарчи фақир ушбу оғонда бир шиддатлиг касал меҳнатидин ниҳоятсиз нотаваон ва гоҳатсиз хаста жон эрдим, Аммо ул жанобнинг мундоқ марҳаматидин... сўҳат, балки қувват шарбати лаззатин тотиб, бақадри ҳол бу хужаста фол хизматни буткармоққа мажолим борича жидду жаҳд ишин зуҳурга еткурдим. Бу авроқ майдонига ҳолим етгунча ибтидо қилами маркабин сурдим, Ҳақ таоло иноятидин умид улким, фақирни итмом сарҳадига восил ва ушбу муродимни ҳосил қилгай..., деб берилган¹.*

Огахий “Гулистон” асарининг асосий мағзини олиб, уни ўз замонаси руҳини акс эттирувчи янги ҳикоятлар, қитъа ва байтлар билан тўлдириб, ўз она тилида халқига тақдим этди.

Огахий буюк форс-тожик классиги Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асарини таржима қилиш билан Шаркнинг бу буюк мутафаккири ва адибининг ахлоқий-таълимий қарашларини тарғиб этиш, унинг ижодиёти билан ўзбек ва бошқа туркий халқларни таништиришни мақсад қилиб қўяди.

Таржимон асарнинг аслини деярли сақлаган ҳолда, Саъдий шеърларини ижодий қайта ишлайди, мустақил, оригинал шеърлар киритади, ўзбек ва бошқа туркий халқларнинг оғзаки адабиёти наъмуналаридан фойдаланади.

“Гулистон” таржима асаридаги ҳикоятларда хилма-хил образлар ва ҳаракатлар мавжуддир. Бунда турли ижтимоий табақалар иштирок этадилар: шоҳлар, вазирлар, амалдорлар, руҳонийлар, олимлар, хунармандлар, деҳқонлар, чўпонлар, дарвешлар, ўғрилар, паҳлавонлар, савдогарлар ва бошқалар.

Огахий ҳар бир ҳикоятни бошлашдан олдин Саъдийни эҳтиром билан тилга олади. Сўнгра ўз ғоявий нияти асосида муайян саргузаштни изчил мантиқ билан баён этишга ўтади. Деярли барча ҳикоятлар дидактик мазмундадир. Бунда Огахий

¹ گلستان سعدی. Огахий таржимаси. ЎзФА Шарқшунослик институти кўлёмалар фонди 899-инвентар рақами остида. – Б. 4-5.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

баъзан Саъдий тилидан, баъзан муаллиф (мен) тилидан сўзлаш усулини қўллайди. Бирор бир кичик воқеани ҳикоя қилиш орқали қиссадан ҳисса билан кишиларга панд-насихатлар қилади, ўғитлар беради. Ҳикоятларда тўғрилиқ, ростгўйлик, садоқат ва марҳамат каби олижаноб инсоний фазилатлар тарғиб этилади.

Шайх Саъдий *“Ҳунарға эга бўлган донишманд киши учун ҳаётда икки умр керак, токим бирида тажриба ҳосил қилсин, иккинчида шу тажриба асосида иш кўрсин”* деган эди. Ёшлиқ ва йигитлик йилларини саёҳат ва изланиш билан ўтказди, кексалиқ ва қарилик айёмида кечмиш ва ҳаёт тажрибаларини бадиий асарларида акс эттириб, ижодий ишга берилди.

“Хазон ели бўстонни қандай хароб қилса, адолатсизлик ҳам, - деган эди у, - дунёни шундай хароб қилади”.

Мана шундай ғоялар Огаҳий “Гулистон”да ҳам тўла берилган.

Яхшилик ва ёмонликнинг нималигини, бойлик ва қашшоқлик, подшо ким, гадо ва дарвеш ким, улар қандай муомалада бўлмоғи керак, яхши ҳоким қандай бўлмоғи даркор, одамлар нимага интиломқликлари зарур, булар устоз Саъдийнинг фикрлари эди.

Айни чоғда Огаҳий ҳам шу ғояларга қўшилади ва буни ўз она тилида тараннум этади.

Шу ўринда ушбу асарни Сайфи Саройи томонидан ҳам таржима қилиниб, у томонидан ҳаётий воқеаларни тасвирловчи ҳикоятларга:

*Ичириб элга қошиқ бирла шўрва,
Чўмич соти билан кўзни чиқарма.
Олдинда ювош қўйтегин мушфиқ ёр,
Ортингда бўри каби терингни йиртар.
Оғач кўрки – емиш, эрнинг – карамдир,
Карамсиз эр вужудида халамдур.
Амалсиз олим – кўзсиз ҳийлагарга ўхшар.*

*Ҳунар зое бўлур кўргузмаса эр,
Ҳунар кўргузган эр – шахду шакар ер!
Жавоҳир қиймати йўқ қон ичинда,
Келиб элга топурақ ул бош уза ер.
Аё келган жаҳонга, эйгулик эт,
Ёмон ишни ёмонларга қўйиб кет.
Сен эйгу бўл, ёмон десун халойиқ,
Ёмон бўлиб, сенга яхши – дегунча*

каби халқ мақол ва ўғитларидан наъмуналар киритади. Буларга ўз шеърлари, латифаларини қўшиш орқали ўзи яшаган даврдаги камчилик ва чиркинликларни очиб ташлайди.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Айрим ҳикоятлардан намуналар келтирамиз: Ҳикоят. Ажам подшоҳларидин бири айтурларким, райият молиға зулм ва татовул қўлин узатмиш эрди ва ул масобада жавру ситам қилмоқни оғоз этмиш эрдиким, ҳалойиқ онииг жаврн шиддатидин ғурбат ихтиёр этиб, ҳар тарафға кеттилар, Вилоятда райият кам бўлғондин сўнг зироат ва тижоратга иуқсон етти ва хазина холи қилиб, душманлар ҳар тарафдии ҳужум этти. Назм:

Мададкор истасанг вақтимусибат,
Саломат вақтида қилғил саховат,
Қочар базл этмасанг банданг эшикдин,
Қилур бегона лутф, этсанг итоат,

Бир кун онинг мажлисида «Шоҳнома» китоби ўқилур эрди. Сўз Заҳҳокнинг давлати завол топиб, Фаридун салтанатининг эикрига етган чоғда бир доно вазир подшоҳдин сўрдиким: «Фаридуннинг асло ганж ва мулк ва ҳашамати йўқ эрди. Мунча мамлакат нечук онинг тасарруфи қўлиға кириб, салтанат онга муқаррар бўлди?» Подшоҳ деди: «Кўб халқ таассуб ва ғайрат юзидин онинг атрофиға жамъ бўлуб, онга қувват ва мадад еткурдилар, то ул подшоҳликға етти». Вазир деди: «Чун халқнинг жамъ бўлмоғи подшоҳликға сабаб бўлса, сен халқни недин паришон қилурсен, магар санда подшоҳлик сурмак орзуси йўқтур?» Байт:

Сипоҳ ҳолидин қилғил оғоҳлиғ,
Ки шаҳ лашкар ила қилур шоҳлиғ.

Подшоҳ сўрдиким: «Сипоҳ ва райиятнинг жамъ бўлмоқиға сабаб недур?» Вазир деди: «Подшоҳға қарам қилмоқ керакдур, то ҳалойиқ атрофиға келгайлар ва адл этмак керакдур, то сояйи давлатида фароғат била ором қилгайлар. Санда бу икки шарофатлиғ ин йўқтур»

Маснавий:
Айлагай жавр пеша султонлиғ,
Ки бўри қўйға қилса чўфонлиғ,
Подшоҳеки, зулм этар бунёд,
Қилғай ўз мулкин, давлатин барбод.

Подшоҳға ул давлатхоҳ вазирнинг насиҳати мақбул бўлмай, олдидин қовлади. Кўб муддат ўтмасдин бурун амакилари онга хусумат найдо қилиб, урушмоқ учун лашкар ораста қилдилар. Подшоҳнинг жафоси шиддатидин жониға етиб, атроф жавонибға кетиб, паришон бўлғон! ҳалойиқ амакиларининг хизматиға жамъ бўлуб ихлос била мадад ва қувват еткурдилар, то мулкин подшоҳнинг қўлидин кетиб, амакилариға муқаррар бўлди, Қитъа:

Подшоҳеки равво кургай райиятға ситам,
Бошиға тушса қотиг иш, дўсти душман бўлур.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS

Хасмдин имин бўлай десанг райиятпарвар ўл,
Ким шаҳи огоҳға хос ҳасин бу фанбўлур.

Огахий Саъдийнинг “Тулистон”ини таржима қилишга киришар экан, Саъдий ҳикоятларининг баёнини беришга қарор қилади. Асарни ўзича, эркин ва ижодий таржима қилган. Огахий Саъдий шеърларини ижодий қайта ишлаб, бошқа шоирларнинг шеърларидан парчалар “Тулистон”даги ҳикоятлар баёнида Огахий “Шайх Саъдий айтур”, “Саъдий айтур” деб бошлайди.

Огахийнинг ўзи айтганидек, Саъдий “Тулистон”идан гул очиб, суҳан дарёсидан сўзни мўл олиб, мазкур келтириб, айрим жойларини тушириб қолдириб, таржима қилгани учун у мултифлаштирилган таржима тусини олади. Таржимон “Тулистон” композицияси, унинг боблари, тематика ва номланишини сақлаб қолади.

Саъдий ва Огахий карам ва саховатни мақтаб, бахилликни қоралаб, кишиларни ҳимматли ва саховатли бўлишга чақирадилар, эзгулик ва шафқат-мурувватни таърифлайдилар.

Бировларнинг юкини кўтариб, мушкулени осон этган эшакни мардум озорлардан аёло билиб:

... Эшак ул одамийдин яхшироқ ким,

Қилур доим кишининг кўнглин озор – дейди.

Илм-маърифат ва олимларга эътиқод, эҳтиром масалалари асарда сезиларли ўрин олган. Илм – билим кишининг улўф фазилати ва бойлиги. Киши ҳамма нарсани йўқотиши, ўғирлатиб қўйиши мумкин. Лекин илм – билим асло йўқолмайди. Аммо илми бўлиб унга амал қилмаса у жоҳилдир.

Сўзунг бу дурурким: мен фалон олимман,

Чун йўқ амалинг яна ҳамон жоҳилсан.

Асарда худбинлик, кибр-ҳаво, мақтанчоқлик ва насл-насаб ёки амал билан керилиш иллатлари ҳам қаттиқ қораланади.

Асардаги ҳикоялар ҳажм жиҳатдан жуда кичик, лекин мазмунан бой, ибратли ҳикоялардир.

Бир куни Ануширвон одилга ов пайтида кабоб қилиб бермоқчи бўлдилар, лекин туз йўқ эди. Одамларидан бирини қишлоқдан туз олиб келгани жўнатдилар. Ануширвон тузга кетаётган кишига: “Туз баҳосини тўлаб ол, токи текинга олиш одат қаторига кириб, қишлоқ харобаликка юз тутмасин”. Ундан сўрадилар: “Шу зигирдай нарсадан қишлоққа қандай зарар етади?”. Ануширвон жавоб берди: “Аввалда оламда зулм оз эди, кейинчалик ҳар бир келган одам бир оз – бир оз қўшди, натижада зулм ҳозирги даражасига келиб етди”.

Фуқаронинг боғчасидан султон узса бир олма,

Навкарлари қўпоради дарахтларнинг илдизин.

Зўрлик билан бешта тухум ола қолса подшоҳ,

Аскарлари сихга тортар товўқлардан беш юзин.

Ҳикоят:





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Луқмони Ҳакимдан: “Одобни кимдан ўргандинг?” – деб сўрадилар.
Луқмон жавоб берди: “Одобни беодобдан ўргандим, уларнинг ҳаракатидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим”.

*Бирор эсли кишига ҳатто ҳазил сўз айтсанг,
У шундан ҳам ўзига чиқаради хулоса.
Аммо аҳмоқ кишига юзлаб ҳикмат ўргатсанг,
Барчаси унинг учун туюлар ҳазил нарса.*

Саъдийнинг “Гулистон” асари асрлар давомида кўп халқларнинг, наслларнинг сеvimли китоби бўлиб келмоқда.

Огахий таржимаси билан бу асар туркий халқларга янада манзур бўлди. Ўзбек адабиёти ва адабий тилининг, ўзбек насри ва таржима адабиётининг қимматли ёдгорлигига айланди.

Бу нодир асар ҳар бир давр зиёиларининг диққатини тортиб келади. Талантли шоир ва ёзувчилар, албатта, Огахий ижодига мурожаат қиладилар, унинг донишмандона панд-насихат ва ўғитларидан ўз ижодларида фойдаланадилар, илҳомланадилар.

Жумладан, XX аср бошларида яшаб ижод этган ўзбек шоири, драматурги, педагог ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний ўз ижодида Огахий ва Саъдий ғоялари, унинг ахлоқ-одоб ҳақидаги оқилона фикрларидан унумли фойдаланади.

У Саъдийнинг “Гулистон” асари таъсирида “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарини яратади.

Бу асар ўз вақтида ёшларни янгича йўналишда ўқитиш ва анъанавий миллий рух асосида тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Сайфи Саройи “Исо мўжизаси” номли ҳикоятни киритади. Унда Оллоҳ томонидан кўпгина мўжизалар берилган Исо алайҳиссаломга берилган ўликларни тирилтириш хислати ҳақида сўз боради. Ўликларни тирилтириш қобилиятига эга бўлган Исо алайҳиссаломга бир киши мурожаат қилиб, ўша хислатни унга ўргатишни илтимос қилади.

Исо алайҳиссалом ҳар қанча мумкин эмас, ундай мўжиза фақат ўзига хослигини уқтирмасин, у одам кўнмайди. Қайта-қайта илтимос қилавериб холи жонига қўймайди. Ҳа майли, деб у мўжиза сирини ўргатади. Хурсанд бўлган ҳалиги киши йўлда кетаётиб, бир жойда уюлиб ётган суякларга дуч келади. Ул дуони ўқиб, тирилтиради. Суяклар ўлган шернинг суяклари бўлиб, тирилгач, у одамни еб қўяди.

Абдулла Авлоний “Туркий Гулистон...” асарини ўз даврининг мактаблари, ёшлари, хусусан, юқори синф ўқувчилари учун қўлланма тарзида яратган.

Унинг ўқиш, ўқитиш тарбия ишларида давр талаби асосида ислохотни амалга ошириш ниҳоятда зарур деган фикри ўз замони учун ҳам, бугунги кун учун ҳам қимматлидир.

“Алҳосил, тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур”, - деб ёзади Авлоний.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, Авлоний Саъдийнинг “Гулистон”и таъсирида “Туркий Гулистон”да тарбиявий ишлар бугун деярли унутилиб бораётган диёнат, саъй ва ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, сабр, ҳилм, нафс, виждон, иффат, ҳаё, виқор, ҳифзи лисон, мунислик, хайрихоҳлик, олийҳимматлик каби юксак ахлоқий тушунчалар илм эгаллаш ва ватанпарварлик ғоялари; зулм, нифоқ, таъма, ҳасад, лоқайдлик, ғийбат, ҳақорат, уятсизлик, чақимчилик, адоват, ҳасислик, виждонсизлик, жоҳиллик, ғазаб, хиёнат сингари шахс табиатидаги ёмон хулқлар миллат ва ватан саодатига эътиборсизлик ва беписандлик билан боғлиқ ҳолда муҳим ижтимоий муаммо сифатида талкин этилади.

Асар қуруқ панд-насихатлардан иборат эмас. Ундан чиқадиган хулосалар эл-юртга содиқлик ва ватанпарварликдир.

“Мен хастаяму миллатим ўлмиш нега бемор?” дейди Авлоний китобнинг бошланишида ва хаста дилни, бемор миллатни даволашнинг асосий йўли нимадан иборат? – деган саволга бутун асар давомида жавоб беришга интилади. Асардаги барча Саъдиёна нақл, ҳикоятлар ғоясидан келиб чиқадиган бадий мантиқ шуки, инсонни баркамол этиш ва миллатни раванг топтиришнинг асосий йўли – ҳар бир шахснинг юксак ахлоқли ва маънавий гўзал, илмли ва маърифатли бўлишига эришишдан ҳамда бутун куч-қувват, ақл-заковат, билиму идрок, ақчаю иқтисод – барчасини ватан раванги ва халқ саодатига йўналтиришдан иборатдир.

“Америкаликлар бир дона буғдой экуб, йигирма қадок буғдой олурлар. Овруполилар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтаминизни кетуруб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар! Аммо биз осийдилар, хусусан, туркистонликлар думба сотуб, чандир чайнаймиз, қаймоқ бериб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз!” – деган фикрлар улуғ адиб Абдулла Авлоний аср бошидаёқ бу масала хусусида нечоғли чуқур ва теран мушоҳада юритганини кўрсатиб турибди.

Бу – ўзлигимизни англаш учун, ўз қадримизга етиш, истиқлолни қўлга киритиш учун айтилган дадил ва жасур фикрлар эди. Биз ҳақиқий мустақилликни қўлга киритгандан кейингина ўшандай камчиликларни бартараф этиш, ўшал даъватни амалга ошириш имкониятига эга бўлдик.

Ҳозир алоҳида ифтихор билан такрорлаётганимиз – муқаддас ҳадисда айтилган “Ҳуббул ватан – минал иймон” – Ватанни севмак иймондандир дейилган фикрга ҳам Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий Гулистон...”ида алоҳида ўрин ажратган.

Авлоний ёзади: “Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тили ва адабиётининг сақламагини айтилар. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурғон ойнайи ҳаёти тил ва адабиётидир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдир. Хайҳот, биз туркистонликлар миллий тилни сақламак бир тарафда турсин, кундан-кун унутмак ва йўқотмакдадурмиз. Тилимизнинг ярмига арабий, форсий улангани камлик қилиб, бир четига рус тилини ҳам ёпишдурмакдадурмиз.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Дуруст, бизларга ҳукуматимиз бўлгон рус лисонин билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби керакли нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур”.

Ахлоқий-фалсафий мазмунга эга бўлган “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” худди Саъдий ва Сайфи Саройи асарлари каби бадиий теран ва гўзал асардир. У:

1. Ахлоқ.
2. Тарбия.
3. Яхши хулқлар.
4. Ёмон хулқлар деб номланган қисмларга бўлинади.

Уларнинг ичида ҳар бир муҳим ахлоқий тушунчани ёритишга алоҳида парча ажратилади ва у мўжаз нақл, ихчам ҳикоятлар билан безатилади. Муаллифнинг айрим қисқа-қисқа, бадиий жиҳатдан теран иборалари кўпинча мақол, матал ёхуд афоризм даражасига кўтарилади. Ўрни келганда “Қуръони карим”даги улуг фалсафий каломлардан ҳам унумли фойдаланади. Айниқса, тарихий шахслар билан боғлиқ нақллар, ихчам ривоятлар, ҳикоятлар асарга жозиба бағишлайди.

Асардан айрим намуналар келтирамиз:

А х л о қ

Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бил илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладургон китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқуб, билуб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганини билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг кадрилини, қимматини билмас. Ўз айбини билиб, иқрор бўлуб, тузатмакка саъй ва кўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур...

Сўйласанг, сўйла яхши сўзлардан,

Йўқса, жим турмоқинг эрур яхши.

Ўйласанг, яхши фикрлар ўйла

Йўқса гунг бўлмоқинг эрур яхши.

Ишласанг, ишла яхши ишларни

Йўқса, бекорлигинг эрур яхши.

Х у л қ

Инсон икки нарсадан мураккабдур. Бири жасад, иккинчиси нафсдур. Жасад кўз ила бор нарсаларни кўрур. Аммо нафс идрок ила яхшини ёмондан, оқни қорадан айирур. Жасаднинг ҳам, нафснинг ҳам бирор суврати бордурки, ё яхши ва ё ёмон бўладур.

Жасаднинг суврати ҳаммага маълум бир нарсадурки, ҳар вақт кўзга кўриниб турадур. Аммо нафснинг суврати кўзга кўринмайдурган, ақл ила ўлчанадурган бир нарсадурки, буни хулқ деб аталур.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Агар бир киши ёшликдан нафси бузилиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бовлиб ўсдими “Оллоҳу акбар”, бундай кишилардан яхшилик кутмак ердан туриб юлдузларга қўл узатмак кабидур.

“Бир тоғнинг ўрнидан кўчуб кетгонини эшитсангиз, ишонингиз, аммо бир одамнинг хулқи бошқа бўлди, деб эшитсангиз, ишонмангиз”, - демишдур.

Хулқи ёмон юз гўзалидан на суд
Юз гўзали хулқни қилмас кашуд.
Хулқ маризига даво истасанг,
Марг давосин берилур – қистасанг.
Хулқи ёмонинг кетурур кўп зарар,
Хулқинг ўзи бошингга калтак урар.
Хулқи фано бўлса, дегил алҳазар,
Хору залилликда қолур дарбадар.²

Й а х с ҳ и х у л қ. Й о м о н х у л қ.

Ахлоқ уламиси инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар. Агар нафси тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликка тавсиф бўлиб, “яхши хулқ”, агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлар ишлайдурғон бўлиб кетса, ёмонликка тавсиф бўлуб, “ёмон хулқ” деб аталур. Инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. “Қуш уясида кўргонин қиладур”. Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузук хулқлардан сақлануб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбиятсиз, ахлоқи бузулиб ўсса, ҳар хил бузук ишларни қиладурғони нодон, жоҳил бир расвойи одам бўлиб қолур.

Худонинг раҳмати, файзи ҳама инсонга аксардур,
Ва лекин тарбият бирла етушмак шарти акбардур.
Туғуб ташлов била бўлмас бола, бўлғай бало сиза
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сиза.
Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Лукмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.
Ёмонларга қўшулди Нухнинг ўғли, бўлди беимон,
Юрурди Каҳф ити хўблар ила, бўлди оти инсон.³

Бир қисмини ўз нафсимизга, бир қисмини бир-биримизга қаршу ишлатмак учун керакли бўлган яхши хулқлар: фатонат, диёнат, назофат, ғайрат, риёзат, қаноат, шижоат, илм сабр, ҳилм, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назри ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва заки, ҳифзи лисон, иқтисод, виқор, хавф ва ражо, итоат, ҳақшунослик, хайрихоҳлик, мунислик, садоқат, муҳаббат ва авфдур. Мана шу ёздигимиз яхши хулқлар ақл ва шаръий шарифга мувофиқ. Эмди бу яхши хулқларни қовлга олмак учун ота-она, муаллим устодларимиз

² Ўзбек адабиёти. Мажмуа. Ўқитувчи, Т., 1997., 18 – бет.

³ Ўзбек адабиёти. Мажмуа. Ўқитувчи, Т., 1997., 18 – 19-бетлар.





MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ҳазратларининг ҳикматли насиҳатларини жон қулоғи бирла тинглаб,
доим хотирда тутмоқ, ахлоқи яхши кишилар билан улфат бўлмақ, ахлоқи бузуқ,
ёмон кишилардан қочмоқ лозимдур.

Яхши бирла юрса ҳар ким мақсуди ҳосил бўлур,

Юрса нодонлар ила бир кун бориб қотил бўлур.

Катталар қилган насиҳатни кичиклар олмаса,

Оқибат хулқи бузуқ, бир беадаб жоҳил бўлур.

Машҳур адиб Шайх Саъдийнинг асари анъаналари руҳида ёзилган Авлонийнинг
“Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асари инсонларни олижаноб руҳда тарбиялашда ҳар
доим қимматли манба бўлиб қолаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. گلستان سعدی. Огаҳий таржимаси. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди 899-инвентар рақами остида. – Б. 32.
2. Ғиёс ул луғот. – Когон нашри. – Б. 187.
3. Каримов И.А. Хива швҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи, 1997-йил 21-октябрь сони.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2009. - Б. 140.
5. Комилов Н. Шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадиий маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1970.
6. Огаҳий. ЎзР ФА ШИ фондида 899 Инв.рақами остидаги қўлёзма.
7. Очилов Э. Хаёт йўли – Саъдий Шерозий // Маърифат ёғдуси. – Тошкент: Ҳилол нашри, 2015. – Б. 3-24.
8. Саъдий Гулустон Р.М Алимов тайёрлаган илмий-танқидий матн, 1959.-Б. 48
9. Саъдий. Гулистон / Р.М. Алиев тайёрланган танқидий матн. – Т., 2008. – В. 200.
10. Саъдий. Гулистон. – Т., 1968. – Б. 12. (Ғ. Ғулом, Ш. Шомухаммедов, Р. Комиловлар таржималари)
11. Ўзбек адабиёти. Мажмуа. Ўқитувчи, Т., 1997., 18 – бет.
12. Форсийдан Муҳаммад Ризо Огаҳий таржимаси. – Т.: А.Қодирий ном.халқ мероси, 1993.

